

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 5 сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** iltiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 5). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



	quality of independent education"	
	Raimjanova N. I	459
94	Advantages of teaching in a virtual information environment and the role of the teacher	
	Mamadjanova S.V, Djurayev I.I	463
95	Ratsional balanslashtirilgan ovqatlanishning biokimyoviy asoslari.	
	Mirzayev S., Turg'unov A . Xamidov Sh.	468
96	Boshlang'ich sinf matematika darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish	
	Abdulxayev A	472
97	Миллий ва замонавий тенденциялар асосида амалий санъатни ривожланишида риштон кулолчилик мактабининг ўрни	
	Абдуллаев А.Х	476
98	Solidworks дастури ёрдамида "материаллар қаршилиги" фанидан амалий масалаларни ечиш технологияси	
	Асраев З.Р	481
99	Об актуальности патриотического воспитания	
	Джуманазарова З	487
100	Essential strategies for teaching english language learners	
	Diyorova M. Sh	492
101	Uzluksiz ta'lim tizimida umumiy fizika kursining "elektromagnetizm" bo'limini o'qitish holati va muammolari tahlili	
	Azzamova N. B	495
102	Замонавий таълим самарадорлигини таъминлашда ўқув автономиясини жорий қилишнинг аҳамияти	
	Сиддиқов И. Б	501
103	Мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккур ва нутқини ўстиришда мумтоз адабиёт намуналарининг ўрни	
	Исабаева А.Ю	505
104	Chet tillarni o'qitishda madaniyat va kommunikativ kompetensiya	
	Isanova Z.Sh	511
105	Oila va oliy ta'lim muassasalari hamkorligida talabalarning hushyorlik va ogohlik fazilatlarini rivojlantirishning ijtimoiy pedagogik jihatlari	
	Mavlonov B.B	516
106	Бобораҳим Машраб Таржимаи ҳолини ўргатишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш	
	Абдуллаев К.А	522
107	Тасвирий санъатда портрет жанрининг ўрни ва аҳамияти	
	Бабаджанов А.Х, Жумабоев Н.П	529
108	Ўрта махсус таълим тизимида "ҳуқуқшунослик" фанини ўқитишга янгича ёндашув.	
	Омарова Г.С	534
109	Эшитишида нуқсонли бўлган болаларнинг эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича коррецион педагогик иш мазмуни	



3. Р.Ҳасанов. Тасвирий санъат асослари. Т.: Ғ.Ғулом. 2009 й.
4. Н.Абдуллаев. Санъат тарихи. 2-жилд, 1-китоб. Т.: Санъат. 2001 й.
5. А.Замошкин. Художники Средней Азии. "Искусство". М.: 1949 г.
6. Б.Веймарн. Искусство Средней Азии. М.: Искусство. 1940 г.
7. А.Эгамбердиев. Жанровая Живопись Узбекистана. Т.: Ғ.Ғулям, 1989 г.
8. Н.Абдуллаев. Санъат тарихи электрон ўқув қўлланма. Т.: 2005 й.

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА "ҲУҚУҚШУНОСЛИК" ФАНИНИ ЎҚИТИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ.

Омарова Гавҳар Садиковна

Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси

gavharomarova1987@gmail.com

***Аннотация:** Дидактик ўйинларни лойиҳалаштиришда ўқитувчи учун ҳуқуқий таълим жараёни асосий манба сифатида хизмат қилади. Анъанавий таълим жараёнидан фарқли ўлароқ, дидактик ўйинли дарс жараёнлари ўқувчилар учун ҳам ўзининг аниқлиги ва тушунарлилиги билан нисбатан устунлигини асослайди.*

***Калит сўзлари:** Ҳуқуқий таълим, педагогик технология, тренинг, интерфаол услуб, режалаштириш, дидактик ўйин, ҳуқуқий маданият.*

НОВЫЙ ПОДХОД К ПРЕПОДАВАНИЮ "ЗАКОНА" В СРЕДНЕМ СПЕЦИАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Омарова Гавхар Садыковна

Независимый исследователь Бухарского государственного университета.

gavharomarova1987@gmail.com

***Аннотация:** В процессе обучения при использования дидактических игр, учащихся не только просто учат правоведение. Этот способ требует понятия слова "правоведение", но и направляет в правильный путь его понятиям. Если учащихся правильно понимает, уважает их требования, то он будет стараться не нарушать закон. Образование в сфере правоведения для педагога считается основным документом, для планирования дидактических игр.*

***Ключевые слова:** правовое образование, педагогические технология, тренинг, интерактивные методы, планирование, дидактические игра, правовая культура.*

A NEW APPROACH TO TEACHING "LAW" IN SECONDARY SPECIAL EDUCATION.

Omarova Gavhar Sadikovna

Independent researcher at Bukhara State University

***Annotation:** During training in the use of Didactic game, students not only learn simple jurisprudence. This method requires the concept of the word "Law", but in the correct way forward his ideas. If a student understands and respects their demands, he will try not to break the law. Education in*



the field of law for a teacher is the basic document for the planning of didactic games. Management plan of the traditional lesson plan differs focused and teachable students.

Keywords: *legal education, pedagogical technology, training, interactive methods, planning, didactic games.*

Хуқуқий билим олиш жараёнида тингловчилар қонунларни билишга, улардан фойдаланишга, ҳаётга тадбиқ этишга эришишлари, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини мукаммал билиб, қонунга риоя қилиш мажбуриятини ўрганиши лозим. Хуқуқий билим билан боғлиқ ҳуқуқий тарбияда шахслар ҳуқуқбузарлик содир этмасликлари, қонун дорасида иш тутишлари, ўзларини ва бошқа шахсларни ҳурмат қилишлари, давлат, жамият ва оилада ўрнатилган тартиб қоидаларни бузмасликлари каби тарбияга эришишлари керак. [1. 4-§.7-банд.8-б.]

Замонавий таълим технологияларини жорий этиш янги авлод таълим стандартларини жорий этишнинг зарурий шартига айланиб бормоқда. Давлатимиз таълим стандартининг асосини таълим муассасалари битирувчиларининг малака талаблари компетенциялари белгиланган. Масалан, А1, А2, А2+; В1, В2, В2+ компетенция даражалари. Мазкур ҳолатда фанни ўзлашритишда қатор янгича ёндашувлардан фойдаланиш масалан, табақалашган таълим ёки дидактик ўйин технологияларидан фойдаланишга талаб ортади. [2,573].

Энг аввало табақалаштириш сўзининг моҳиятини англасак: атама сифатида халқаро майдонга “differetion” лотин тилидан олиган бўлиб, табақалаш, гуруҳларга ажратиш, фарқлаш маъноларини англатади. Шунингдек, айрим адабиётларда масалан, Л.Толстой “бирор нарсани қисмларга ажратиш, босқичларга ажратиш”[3], И.И.Мечниковнинг ўз асарида_бирор нарсанинг фарқланиши, табақаланиши деб изоҳлайди.[4]

Болалар ўз ўйин фаолиятида катталарга хос бўлган ижтимоий ҳаётнинг деярлик барча томонларини ўзида акс эттиради, ҳатто ўйинлар ҳар бир миллатнинг ижтимоий-маданий ривожланиши билан ҳам мустаҳкам боғлиқдир. Зеро, авлоддан-авлодга ўтадиган энг муҳим миллий хусусиятлар ҳам ўйин орқали болаларга сингдирилади.

Ўйинларнинг илдизи жуда узоқ ва қадим замонларга бориб тақалади.

Жаҳонга машҳур буюк мутафаккир ва алломаларимиз Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, абу Али Ибн Сино асарларида ҳам ўйинларга тааллуқли маълумотлар кўп учрайди. Жумладан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону – луғатит турк” асарларида ўйинларнинг турлари ва йўналишлари ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд [5]. Алломанинг фикрича, ўйинлар маданий – маърифий кадриятларни авлоддан – авлодга ўтказувчи воситадир.

Дидактик ўйинлар ҳақида қуйидаги фикр диққатга сазовор: “Ўқитишда дидактик ўйинлар ўқувчиларни билимларга қизиқтирувчи, билиш доираларини кенгайтирувчи, уларда ҳозиржавоблик хусусиятларини тарбияловчи, ўқувчиларни фаоллаштириш омилларидан ҳисобланади. Чунки, ўқувчи фаол фикр юритади, ўзида ижодий эркинлик сезади”[6,152-156].

Дидактик ўйинларда фойдаланишда қуйидаги методик талабларни эътиборга олиш талаб қилинади:



1. Ўйинлардан дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўқувчиларни қизиқтирадиган ва уларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган ўйинларни танлаб олиш зарур.

2. Ҳар бир ўйинни ўтказишдан аввал унга пухра тайёргарлик кўрилиши ҳамда дарс материалларнинг мазмуни билан узвий боғланган бўлиши лозим.

Жаҳон педагогик тажрибаларни ўрганиб, таҳлил қилиб республикада таълим тизими ва менталитетимизга мослаштириб, дарс жараёнига тадбиқ қилиш натижасида ўқувчиларни эгаллаётган билимлари ихтиёрий-мажбурий тарзда ўзлари қидириб топишига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишга, ҳатто хулосани ҳам ўзлари келтириб чиқишига ўргатади.

Биз юқоридаги фикрларни асослаб таълим тизимининг навбатдаги босқичи ўрта махсус таълими жараёнида “Ҳуқуқшунослик” фанини ўқитишда дидактик ўйин технологиясидан фойдаланилган дарс лойиҳалаштирдик. Мазкур лойиҳани амалий машғулот дарсларида фойдаланилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, “Битимлар ва шартнома тушунчаси, турлари” мавзусини уч режа асосида ўзлаштириш процедураси қуйидагича таснифладик:

Дарснинг мақсади:

- Ўқувчиларни битим ва шартнома тушунчалари билан таништириш;
- Битим ва шартнома турлари тўғрисида билимларини тизимлаштириш;
- Даъво муддати ҳақида маълумотга эга бўлиши.

Билиши керак.

Асосий тушунчалар: битим, шартнома, битим турлари, шартнома турлари, тарафлар тушунчаси, даъво муддати, шартномани бекор қилиш, бир икки ва қўп тарафлама битимлар.

Тушуниш керак:

- Ўқувчилар битим тушунчасининг маъносини;
- Шартнома тушунчасининг моҳиятини;
- Битим ва шартнома турларини;
- Даъво тушунчасини, даъво муддати тушунчасини тушуниб олиш зарур.

Қўллайди:

Ўқувчилар олган билимларини ҳаётда қўллай олишга ишончини орттириш лозим.

Таълим бериш усуллари: илғор педагогик услублар, “Тармоқ” ва “Презинтация” технологияси, “Хулоса бир қадам” тренги.

Таълим бериш шакллари: гуруҳларда ишлаш.

Таълим бериш воситалари: маъруза матни, дарслик, дафтар ручка, шартнома материаллари.

Дарснинг бориши:

Тайёрлов босқичи : (10 дақиқа)

Ўқитувчи:

➤ Мавзунини аниқлайди, таълимий мақсадини белгилайди ва кутилаётган натижаларни башорат қилади.

➤ Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билим топшириқларини ишлаб чиқади. Натижаларни баҳолаш меъёрини ишлаб чиқади.

Ўқувчи: гуруҳларга тақсимланиб, ўз жойларини эгаллайди.



Кириш босқичи: (10 дақиқа)

Ўқитувчи: машғулот мавзусини, унинг режалари, мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради. Шунингдек асосий тушунчалар билан ҳам таништиради. Ўқувчиларни гуруҳларга тақсимлайди.

Ўқувчилар: гуруҳларга тақсимланади.

Асосий босқич: (60 дақиқа)

“Савол-жавоб” услуби.

Хар бир гуруҳга машғулот топшириқлари тақдим этилади, гуруҳлар ўзлари саволларни танлаб оладилар ва белгиланган вақт ичида жавобни тақдим этиди.

Биринчи босқич (ўйлаш вақти 3 дақиқа).

1-топшириқ.

Савол: битим тушунчасига таъриф беринг. Битим турларини изоҳланг. Оғзаки ва ёзма битимлар

Бажарилиш тартиби: Гуруҳлар топшириқларни карточкаларда оладилар. Ўқитувчи томонида жавоб варақалари олдиндан тарқатилиши лозим:

2-топшириқ.

Савол. Битим турларини изоҳланг ва мисоллар келтиринг (мисол ҳаётий бўлиши лозим).

Бажарилиш тартиби: Гуруҳларга жавоб варақлари тарқатилади ва саволларга жавоб беради.

Белгиланган вақт тугагач гуруҳлар ўз жавобларини презентация қилади, қолган иштирокчилар тўлдириши мумкин. Тингловчи гуруҳлар хато–камчиликларини тўғирлайди ва рағбат таёқчаларига эга бўлиш ҳуқуқига эга.

Иккинчи босқич.

“Хулосага бир қадам” тренинги. (ўйлаш вақти 3 дақиқа)

Тренинг – бу қисқа муддатли таълим бўлиб, унинг дастурида назарий ўқитиш қисқартирилиб, асосий диққат иштирокчиларни касбий фаолиятининг самарасини оширишга, тренинг дастурида қатъиян чегараланган аниқ малака ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган.

“Хулосага бир қадам” тренинги – ўқувчилар микрогуруҳларга тақсимланади: “Адвокатлар”, “Прокурорлар”, “Терговчилар”, “Криминалистлар”, гуруҳ номларидан келиб чиқиб (касбий фаолияти нуқтавий назаридан) муаммонинг ечимини топиши лозим.

Мақсади:

- Ўқувчиларни касбий соҳа бўйича фикрлашга ўргатиш;
- Танқидий, муаммога ҳар тарафлама ёндашиш малакасини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши.

Вазият: фуқаро Т. дўкондан ўралган рафинад қанд пачкасини сотиб олди. Уни уйда очганида қанд ўрнига яхши майдаланган тузни кўрди. Харидор дўконга қайтиб, чек ва очилган пачкани кўрсатди ва пулини қайтариб беришни талаб қилди. Бироқ сотувчи бу дўконнинг айби эмаслигини айтиб, пулни қатариб беришдан бош тортди.

Бу ҳолда сотувчи истеъмолчи ҳуқуқини буздими? Агар шундай бўлса, Т. ўз ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилиши мумкин.

Жавоб бериш тартиби:



“Терговчилар” гуруҳи вазиятга терговчилик касби нуқтаий назардан ёндашадилар. Хуқуқларни бузган барча айбдорларни аниқлаб, тизимли асослаб беради.

Харидорни ҳимоя қилганда:

- аввало харидор исьтемомолчи ҳисобланади;
- исьтемомолчилар хуқуқлари давлат томонидан муҳофаза қилинади ва кафолатланади;
- исьтемомолчилар тоза, соф, сифатли, кафолатланган маҳсулотларни исьтемомол қилиш хуқуқига эга. Ва ҳоказолар.

Сотувчини ҳимоя қилганда:

- маҳсулотларни қабул қилиш жараёнида барча маҳсулотларни текшириб олиш имконияти камлиги;
- сотувчи ҳам исьтемомолчи бўлиши мумкин.

“Криминалистлар” гуруҳи – вазиятдаги криминал борлигини аниқлайди ва асослайди.

Ўқитувчи: вақтни белгилайди, тартиб-интизомни назорат қилади, гуруҳларнинг тушунмаган жойларида йўналиш беради.

Ўқувчилар: муаммонинг ечимини топади ва фикрларни умумлаштиради.

Муайян вақт тугагач гуруҳлар ўз жавобларини тақдим этади. Тўғри жавоб берган гуруҳлар рағбат таёқчалари билан тақдирланади.

Кутиладиган натижа:

- ўқувчиларнинг мустақил фикрлашга ўрганадилар;
- танқидий фикрлашга, вазиятларни муайян касб вакиллари каби ечимини топиш кўникмаси шаклланади;
- масъулиятни ҳис этиш туйғулари вужудга келади.

Яқуний босқич.

Машғулотга яқун ясаб, иштирокчилар орасидан ғолиб гуруҳ аниқланади ва боҳаланади. Ўқувчилар дарс ҳақида ўз фикр – мулоҳазаларини билдиради.

Уйга вазифа: кейинги мавзуга тайёргарлик кўриб келиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мазкур услубдан нафақат ўрта махсус таълим тизими хуқуқ фанларини ўқитаётган педагог кадрлар, жумладан мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим, олий таълим, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим тизимида мавзуларга мослаштирилган ҳолатда фойдаланиш тавсия этилади. Бу усул орқали ҳар бир ўқитувчи ўз меҳнатининг самарали натижасини кўриши мумкин.

Адабиётлар рўйҳати.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 187-сонли “Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори, -Т.; 2017 й. 6 апрель. Lex.uz
2. Г.С.Омарова, Тарбия дарсларида табақалашган ёндашувдан фойдаланиш. “Глобаллашув шароитида Ўзбекистон инновацион ғояларнинг хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-фалсафий, таълимий йўналишларининг ривожланиш истиқболлари” Республика онлайн анжуман материаллари Т.: 2020 й. 7 май 573 б.
3. Л.Н.Толстой, «В чём моя вера?», 1884 г.



4. **И. И. Мечников**, «Этюды о природе человека», 1903–1915 г.
5. **Қошғарий М.** Девону луғатит турк. 3-томлик.//Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. Т.: Ўзфанакаднашр, 1960.
6. Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Т.: Адолат, 2008.152-156 б.
7. **Каримова О.А.** Ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси.Т.: 2011 й.7б.

ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ ЭШИТИШ ИДРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КОРРЕЦИОН ПЕДАГОГИК ИШ МАЗМУНИ

Хайитов Лазизбек Рустамжон ўғли

Қўқон давлат педагогика институти Дефектология кафедраси ўқитувчиси

Туйчиева Раънохон Нодиржон қизи

Қўқон давлат педагогика институти Дефектология йўналиши 3-босқич талабаси

Электрон манзил:lazizbek_khayitov@mail.ru

Тел:+99890 307 33 23

***Аннотация:** Махсус таълим тизимидаги ўқув-коррекцион жараёни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш эшитишида нуқсони бўлган ва заиф эшитувчи болалар эшитиш идрокини ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратади. Зеро, бу методлар самарали ва эффектив метод эканлиги тажрибаларда ўз исботини топмоқда. Айни пайтда ҳар бир сурдопедогог педагогик технологияларга ижодий ёндашиш кераклигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Эшитиш идрокини ривожланиш даражасини, аниқлашга йўналтирилган методика асосида таҳлил натижалари эшитиш нуқсони бўлган болалар эшитиш идрокини ривожлантиришда илгор педагогик технологияларидан фойдаланиш зарурати интерактив усулларнинг самарадорлигини, керакли билим ва кўникмалар эгаллашда аҳамиятли эканлигини исботлади*

***Калит сўз :** педагогика технология, эшитув идрок,коррекция*

СОДЕРЖАНИЕ КОРРЕКЦИОННО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ РАБОТЫ ПО РАЗВИТИЮ СЛУХА У ДЕТЕЙ С НАРУШЕНИЕМ СЛУХА.

***Аннотация:** Организация учебно-коррекционного процесса в системе специального образования на основе педагогических технологий создает благоприятные условия для развития слухового восприятия детей с нарушениями слуха и нарушениями слуха. Действительно, эксперименты доказали, что эти методы действительны и действенны. В то же время следует отметить, что каждому глухому педагогу нужен творческий подход к педагогическим технологиям. Результаты анализа на основе методики, направленной на определение уровня развития слухового познания, необходимости использования передовых педагогических технологий в развитии слабослышающих детей, доказали эффективность интерактивных методов, важность приобретения необходимых знаний и навыков.*

***Ключевые слова:** педагогическая технология, слуховое восприятие, коррекция.*